

КОНСТИТУЦИЯ – БУ БАМИСОЛИ ҚАЛҚОНДИР

Д.И.Кассирова

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши

Хузуридаги Судьялар олий мактаби

Иқтисодий ҳуқуқ йўналиши тингловчиси

Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли демократик ислохотлар, улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, рўй бераётган барча ўзгариш ва янгиланишлар асоси, миллий қонунчилигимиз пойдевори бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси жаҳон ҳамжамиятида замонавий демократик қонунчилик намунаси сифатида эътироф этилмоқда.

Мамлакатимизда давлатни жамиятга, халққа хизмат қилувчи институтга айлантириш, унинг фаолиятини қонунларга таяниб кўришга каттиқ киришилган, десак хато бўлмайди. Фуқаро – жамият – давлат ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ва адолатли ҳуқуқий ечими Конституциядир.

Мамлакатимизда 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган референдумда иштирок этган фуқароларнинг янги таҳрирдаги Конституциямизни ёқлаб овоз бергани, Бош қомусимизда халқимизнинг Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича орзу-умидлари ва интилишлари ўз аксини топганини ифода этади.

Янги Ўзбекистон — инсон шаъни ва кадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари олий қадрият ҳисобланади.

Янги таҳрирдаги Конституция Янги Ўзбекистон стратегиясини амалга оширишда муҳим сиёсий-ҳуқуқий асос сифатида хизмат қилмоқда. У давлат ва жамиятни ривожлантиришнинг устивор йўналишларини

белгилашга хисса қўшиб, адолатли жамият куриш йўлидаги улкан қадам сифатида аҳамият касб этмоқда. Мазкур Конституция мамлакат, миллат ва халқнинг кейинги тараққиёт йўлини аниқлашда долзарб аҳамиятга эга.

Сўнги олти йил ичида эришилган иқтисодий ютуқлар, инсон ҳуқуқлари, одил судлов, сўз ва эътиқод эркинлиги, ижтимоий ҳимоя каби соҳалардаги кўплаб чекловларнинг бартараф этилиши, валюта, нақд пул ва кредит тизимидаги муаммоларнинг ҳал қилиниши, шунингдек, қўшни давлатлар билан алоқаларнинг яхшиланиши каби ютуқларни конституциявий жихатдан мустахкамлаш зарурати пайдо бўлди. Бу ютуқларни нафақат бугунги, балки келажак авлодлар учун ҳам барқарор сақлаш мақсадида Конституцияга муҳим ўзгартиришлар киритилди. Натижада, янги Конституциядаги моддалар сони 128 тадан 155 тага, нормалар эса 275 тадан 434 тага кўпайди. Матн ҳажми қарийб 65 фоизга ошиб, халқ фикри ва таклифлари асосида янгиланди.

Конституция юридик мазмун ва моҳиятга эга бўлган ҳуқуқий ҳужжат.

Ўзбекистоннинг янги таҳрирдаги Конституциясига мувофиқ, давлат бошқаруви ва қонун чиқариш тизимида бир қатор муҳим ўзгартиришлар амалга оширилди.

Конституциянинг янги таҳририда суд тизими ислоҳ қилиниб, адолат ва қонун устиворлигини таъмирлашга қаратилган қатор янгиликлар киритилди.

Суд ҳокимиятининг мустақиллиги янада мустахкамланди. Судьялар фаолиятига ҳар қандай аралашув қатъиян таъқиқланди. Бу ҳуқуқий асослар судьяларнинг адолатли ва қонуний қарорлар қабул қилишини кафолатлайди.

Фуқороларнинг суд орқали ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш имконияти кенгайтирилди. Ҳар ким ўзини оқлаш ёки суд қарорларидан норози бўлса, олий суд инстанцияларига шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлди.

Конституциявий суднинг роли кучайтирилди. Эндиликда Конституцияга зид бўлган ҳар қандай қонун ёки ҳужжат бекор қилиниши мумкин.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистони Республикаси Омбудсманнинг ваколатлари кенгайтирилиб, суд тизимидаги камчиликларни назорат қилиш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда фаол иштироки белгиланди.

Суд жараёнларининг очиқлиги таъминланиб, жамоатчилик назоратининг кучайиши учун шароитлар яратилди. Суд мажлислари очиқ ва шаффоф тарзда ўтиши қонунда мустаҳкамланди.

Мазкур конституциявий нормалар мазмунига мувофиқ суднинг мустақиллигини таъминлаш, уни инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя этишга хизмат қиладиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Конституциянинг янги таҳририда фуқороларнинг ҳуқуқлари янада кенгайтирилиб, қуйдаги асосий жихатлар белгиланди:

Ҳар бир фуқоро ҳаёт, эркинлик ва дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ноқонуний ҳибсга олиш, қийноқ ёки шавқатсиз муомала қатъиян ман этилган.

Фуқоролар таълим олиш, соғлиқни сақлаш, муносиб яшаш шароитлари ва меҳнат қилиш ҳуқуқларига эга. Уй-жой билан таъминлаш ва бандлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Хар бир фуқоро сайлаш ва сайланиш, давлат бошқарув органларида иштирок этиш ҳуқуқига эга. Сиёсий партияларга аъзо бўлиши ва ўз фикрини эркин ифода этиши кафолатланган.

Фуқоролар миллий мерос ва маъданий бойликлардан фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилтишда иштирок этиш ҳуқуқларига эга.

Хар бир фуқоро судга мурожаат қилиб, ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга. Мулкдор ўз мол-мулкидан суд қарорисиз ҳамда қонунга зид тарзда маҳрум қилиниши мумкин эмас. Судларда қонунийлик тамойилларига риоя этилиши кафолатланади.

Конституцияда белгиланган суд-ҳуқуқ тизимига оид қоидалар алоҳида қонун ҳужжатларида йилдан-йилга инсон ҳуқуқлари устуворлиги тамойилининг бош омил эканлигидан келиб чиқиб ривожланмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – бу нафақат ҳуқуқий ҳужжат, балки мамлакатнинг барқарор ривожланиши ва халқ фаровонлигини ошириш йўлидаги қадамдир. У мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида янги даврни бошлаб берди. Ушбу янги Конституция мамлакатни янги имкониятлар сари етаклаш учун мустахкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – бу мустақилликнинг қонуний пойдевори ва буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолатидир.

Хулоса қилиб айтганда Конституция – биз учун нафақат муҳим ҳаётий қўлланма, балки ғурур-ифтихор, шу заминда истиқомат қилаётган, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча инсонлар учун мустахкам бир ҳимоя, қонун олдида ҳамманинг тенглигини таъминлайдиган, ҳар бир

инсоннинг ўз фикрини эмин-эркин ифода қилишида, ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб этишида, бурч ва масъулиятларини бажаришида бамисоли қалқондир.